

XX АСРНИНГ 20-ЙИЛЛАРИ БИРИНЧИ ЯРМИДА ХОРАЗМДАГИ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАРНИНГ БАЪЗИ МАСАЛАЛАРИ

Матёқубов Алишер



Урганч Ранч Технология университети тадқиқотчиси
**НЕКОТОРЫЕ ВОПРОСЫ ОБЩЕСТВЕННО-
ПОЛИТИЧЕСКИХ ПРОЦЕССОВ В ХОРЕЗМЕ В
ПЕРВОЙ ПОЛОВИНЕ 1920-Х ГОДОВ XX ВЕКА**

Матъякубов Алишер

Научный сотрудник Ургенчского технологического
университета

SOME ISSUES OF SOCIO-POLITICAL PROCESSES IN KHOREZM IN THE FIRST HALF OF THE 20S OF THE 20TH CENTURY

Matyakubov Alisher

Researcher, Urgench Ranch Technological University

Аннотация. Ушбу мақолада XX асрнинг 20-30 йилларида

Марказий Осиёда амалга оширилган миллий-худудий чегараланиш жараёнлари таҳлил қилинган. Хусусан, XX асрнинг 20-йиллар биринчи ярмида совет хукуматининг сиёсий компанияси билан боғлик равишда Хоразм воҳасида юз берган ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар тӯғрисида муҳолазалар келтирилган.

Калит сўзлар: Марказий Осиё, миллий-худудий чегараланиш, Хоразм воҳаси, ХХСР.

Аннотация. В данной статье анализируются национально-территориальные демаркационные процессы, осуществлявшиеся в Центральной Азии в 20-30-е годы XX века. В частности, в первой половине 20-х годов XX века имеются комментарии к общественно-политическим изменениям, происходившим в Хорезмском оазисе в связи с политической компанией советской власти.

Ключевые слова: Средняя Азия, национально-территориальное разграничение, Хорезмский оазис, СССР.

Annotation. This article analyzes the national-territorial demarcation processes carried out in Central Asia in the 20s-30s of the 20th century. In particular, in the first half of the 20s of the 20th century, there are comments on the socio-political changes that took place in the Khorezm oasis in connection with the political company of the Soviet government.

Key words: Central Asia, national-territorial demarcation, Khorezm oasis, USSR.

КИРИШ. Совет хукумати Ўрта Осиёда тўла хукмронликни ўрнатиш, ўлкадаги табиий бойликларга эгалик қилиш, мінтақани миллий - худудий жиҳатдан бўлиб ташлаш орқали хукмронлик қилиш мақсадида 1920 йилдан кейин миллий чегараланиш масаласини кун тартибига қўя бошлади. 1920 йилда Туркистон

АССР ташкил этилиб, Хоразм ва Бухоронинг республика сифатида 1920-1924 йилларда мавжуд бўлиб туриши ҳам Совет хукуматининг вақтингчалик муроса йўлини танлаганидан бошқа нарса эмас эди. Бу борада 1922 йил кузидা Совет хукумати раҳбари В.И.Ленин совет республикалари асосида СССРни ташкил қилиш

принцилари тўғрисида тўхталар экан, “кўшилишдан олдин ажратиш керак”, деб масалани аниқ қўйган эди [1].

Худудий чегараланиш масаласига оид 2 хил: миллий-сиёсий (этносиёсий) ва иқтисодий тамойиллар мавжуд бўлган. Худудларни бўлишда Совет хукумати чегараланишини ўтказиша асос сифатида миллий-сиёсий омил олади. Бироқ шундай бўлса-да, айрим ҳолатларда иқтисодий тамойиллар ҳам бош мезон вазифасини ўтади [2].

Совет хукуматининг саъй ҳаракатлари таъсирида Хоразм Халқ Совет Республикасининг мустақиллиги 1923 йилнинг охирига келиб, анча заифлашган эди. Чунки, 1923 йилнинг 30 апрелида Москвада имзоланган “Амударё флотилиясини бошқариш тартиби ҳакида”ги шартноманинг 1-моддасига мувофиқ Амударё сув транспортини бошқариш, унинг барча маъмурий-техник воситалари билан РСФСРнинг Темир йўллар халқ комиссарлиги ихтиёрига ўтказилди [3]. Бу эса республиканинг иқтисодий мустақиллигини чеклаш, республиканинг РСФСРга қарамлигининг ошишига сабаб бўлганди. Бундан ташқари мантақадаги 3 та республиканинг иқтисодий жиҳатдан бирлашуви ва Ўрта Осиё иқтисодий кенгашининг тузилиши, Хоразм ва Бухоро коммунистик партияларининг РКП(б) таркибига кириши ва РКП(б) МК Ўрта Осиё бюросининг ташкил этилиши, пул муомаласининг бирхиллашуви натижасида бу давлатларга сиёсий, иқтисодий, молиявий жиҳатдан хукмронлик қилиш ваколати бутунлай Москванинг ихтиёрига ўтди.

РКП(б) МКнинг Ташкилий бюроси ўзининг 1924 йил 31 январдаги мажлисида бошка масалалар билан бир қаторда Туркистон, Бухоро, Хоразм республикаларининг миллий-худудий чегараланиши тўғрисидаги масалани ҳам кўриб чиқкан ва Я.Э.Рудзутакка мазкур республикаларнинг масъул ходимлари билан биргалиқда бу ғояни амалда қандай руёбга чиқариш мумкинлигини олдиндан муҳокама қилиб кўришни топширди [4]. Жойларда советлар томонидан чегараланишини тезроқ ўтказиш ва шу орқали ўлкада бошқарувни тўла қўлга олишга уриниш шу тариқа янада кучайди.

Режалаштирилган давлат-худудий бўлиниши тўғрисидаги ҳабар Ўрта Осиё жамиятининг турли қатламлари орасида кескин

норозиликларни юзага келтирди. Миллий зиёлилар вакиллари, рухонийлар, таникли жамоат арбоблари, оддий деҳконлар, хунармандлар ҳам Бухоро ва Хоразмдаги давлатчилик белгиларини бузилишини, битта умумий худудда минг йиллар давомида яшаб келаётган миллатлар ва элатларнинг сунъий равища бўлинишини қатъий равища қораладилар.

Хоразм Компартиясининг раҳбариятида миллий чегараланишга турлича муносабат пайдо бўлган эди. 1924 йил 3 мартаёқ партия МК Ижроия бюроси мажлисида ахборот тартибида Россия Компартияси Марказий Кўмитаси (РКП(б) МК) Ўрта Осиё бюросининг аъзоси И.Межлаукнинг миллий-худудий чегараланиш тўғрисидаги маъруzasи тингланди. Бироқ мажлис маърузани маълумот учун қабул қилиш тўғрисидаги кўрсатма билан чекланди. 1924 йилнинг май ойида Хивада Хоразм Компартиясининг йиғилиши бўлиб, унда РКП(б) МК Ўрта Осиё бюросининг вакили А.Рахимбоев иштирок этади ва Хоразм халқ совет Республикаси худудида чегараланиш ўтказиш масаласида марзуза қиласи. Маърузада Хоразм Республикаси миллий белги бўйича чегараланиши ва тегишли туманлар Ўрта Осиёнинг янги ташкил этилаётган республикаларига кириши таъкидлаб ўтилди [5].

Шундай қилиб, Ўрта Осиё республикаларини миллий-худудий чегараланишини амалга ошириш учун тайёргарлик ишлари бошланиб кетди. Бу ишлар асосан қуйидаги иккита йўналишда олиб борилди:

- а) сиёсий, оммавий-тушунтириш ва ташвиқот ишларини кучайтириш;
- б) муҳим ташкилий ва хўжалик тадбирларини (янги ташкил этиладиган республикалар ва областларнинг чегараларини белгилаш, иқтисодий чегаралаш ва бошқалар) амалга ошириш [6].

1924 йил 12 июнда РКП(б) МК Сиёсий бюроси “Ўрта Осиё республикаларининг миллий-давлат чегараланиши тўғрисида” маҳсус қарор қабул қилди [7]. РКП(Б) МК Сиёсий бюросининг ушбу қарори Туркистон, Бухоро ва Хоразм Компартияларининг йиғилишларида муҳокамаларда билдирилган фикрлар бузиб

талқин қилиниб, гүёки Ўрта Осиё партия ташкилотлари ва барча меҳнаткашлар чегараланиш масаласини батамом қўллаб-кувватлади, деб баҳо берилди. Аммо, Коммунистик партия томонидан олиб борилган ташвиқотлар кутган натижани бермади, маҳаллий аҳоли вакиллари чегараланиш масаласига қарши чиқишиди. Шунингдек, минтақадаги 3 та республика партия раҳбарияти ҳам мазкур масалада яқдил фикрда бўлишмади.

Хоразм Коммунистик партияси Марказий Комитетининг масъул котиби Каландар Одинаев, Марказий Комитет аъзоси Маткарим Абдусаломов ва Хоразм Республикасининг бошка раҳбар ходимлари миллий давлат чегараланишига қарши чикадилар. Улар Республикасининг ўзига хос табиий, географик, миллий ва маданий хусусиятларини хисобга олиб, уни Федератив республика сифатида умумиттифоқ таркибига қўшилишини таклиф этишиди. Улар ушбу масала юзасидан Иттифоқ миқёсидаги юқори ташкилотларга бир неча марта таклифлар билан мурожаат қилдилар. 1924 йил 8 майда Хоразм Коммунистик партияси Марказий Комитети масъул котиби Каландар Одинаев Хоразм Совет Социалистик Республикасида миллий давлат чегараланишини ўтказмаслик тўғрисида Иттифоқ маркази номига хат йўллади. Мактубда олис Хоразм республикаси иқтисодий жиҳатдан мустақилдир ва шу сабабли ўзбек, туркман, қорақалпок қисмлари бўлган холда уларни тегишли миллий республикаларга бирлаштириш мақсадга мувофиқ эмас, деб хисобланди ва хатто Туркистоннинг Амударё вилоятини Хоразмга қўшиб бериш тўғрисидаги масала ҳам ўртага ташланди. Хоразмнинг маҳаллий шароитини марказдагиларга нисбатан яхшироқ билган ва тушунган ушбу ватанпарвар кишилар ишончли далиллар асосида, Хоразм Республикасида миллий давлат чегараланишига қарши ўз эътиrozларини исботлашга ҳаракат килишиди [8].

Чегараланишни ташкил этиш бўйича тузилган комиссия томонидан тайёрланган лойиҳа Ўрта Осиёдаги янги совет тузумига асосланган давлатларнинг чегараларини белгилашга асос бўлиб хизмат қилди. Лекин бу комиссия қисқа муддат ичида барча черагаланишга доир масалаларни ҳал қила олмаслигини инобатга олиб, комиссия

томонидан қабул қилинган хужжатларда бундан бўён ташкил этиладиган республикалар давлат сифатида расмийлаштирилганидан кейингина чегараларни аниқлаш лозимлиги кўрсатиб ўтилди. Бундан кўриниб турибдики, советлар томонидан ўтказилган миллий чегараланиш узоқни кўзлаб амалга оширилган тадбир бўлмасдан, маҳаллий ҳалқ оммасининг хоҳиш ва истакларига зид бўлган эди.

1924 йил 2 июнда РКП(б) МҚ Ўрта Осиё бюросининг раиси Я.Э.Рудзутак номига телеграмма юборилиб, унда Хоразм Коммунистик партияси масъул котиби Ў.Одинаев Федератив республика сифатида қолдирилишини илтимос қиласди. Ушбу телеграмма ХССРга ёрдам бериш учун РСФСРдан юборилган маҳсус комиссия раҳбари Г.И.Бродо, М.Абдусаломов, ЭКОСО раиси Ўроз Ирманов, ГПУ раиси Карим Болтаев ва Ёкубовлар томонидан имзоланган эди [9].

Хоразм иштирокион фирмаси аъзолари миллий-худудий чегараланиш тўғрисидаги Қаландар Адинаев ва Маткарим Абдусаломовларнинг фикрларини қўллаб, 1924 йил 9 июлда бўлиб ўтган Хоразм иштирокион фирмаси Марказий қўмитаси Ижроия бюросининг мажлисида ҳам РКП(б) МҚга хат йўллашган [10]. Аммо, Хоразм Ҳалқ Республикасининг туркманлар худудларини аввалги ҳолатида қолдириш бўйича қарор Совет ҳукуматини қониқтирмайди ва улар хоразмлик «фаоллар» билан яна қайтадан ишлаб, 1924 йил 26 июлда Хоразм КП МҚ ўзининг аввалги «нотўғри қарори»ни бекор қиласди ва РКП(б) Марказий Қўмитасига қарорнинг 3-бандини қайта кўриб чиқиши сўраб, мактуб юборади. Бу мактуб тезда “ижобий” ҳал қилиниб, ХХСР тугатилади. Бу даврда Хоразм худуди 4 та уъезд – Хива, Гурлан, Янги Урганч, Хонқага бўлинган эди.

1924 йил 5 августда РКП (б) МҚ Ўрта Осиё бюроси Хоразм иштирокион фирмаси Марказий қўмитасининг янги таклифини қўллаб, ХССРни ҳам Ўрта Осиёда ўтказиладиган миллий худудий чегараланишга қўшишни маъкуллади.

Миллий чегаралашга оид вазифаларни амалга ошириш учун РКП(б) Марказий Қўмитаси Ўрта Осиё бюроси қошида миллий чегаралаш бўйича комиссия тузилиб, комиссия асосан чегараларни белгилаш ҳамда Ўрта Осиё

республикалари ва автоном областларининг давлат мулкларини аниқлаш ишларини олиб борди [11].

1924 йил 27 октябрда Бутуниттифоқ Марказий Ижроия Кўмитасининг иккинчи чақириқ 2-сессиясида Ўрта Осиёда миллий республикалар тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди [12]. Шундай қилиб, 1924 йил сентябрь–октябрь ойларида минтақада ўтказилган миллий-худудий чегараланиш қонуний кучга кирди.

1924 йилнинг 29 октябрь куни советларнинг V қурултойи иш бошлади. Қурултойда ХХСРни тугатиш ва мазкур худудда яшаётган ўзбек, туркман, қозоқ ва қорақалпокларни шу миллатлар номи билан аталадиган миллий республикаларга ва муҳтор вилоятга қўшилиши тўғрисида қарор қабул қилинди. Полвонниёз хожи Юсупов ўз эсдаликларида шундай баён қиласди: “Махфий қолмасинким, ушбу миллат айиришлари Москавда хал бўлғон экан. Мунда, V қурултойда ҳеч бир сўз бўлмасдин, фақат Москавдин берилган топширикни тасдиқ қилиб, қурултойни тарқатиб юбордилар” [13].

ХУЛОСА. Шу билан советлар Ўрта Осиёда аввалдан мавжуд миллий аҳолини турли республикаларга бўлиб ташлади. 1924 йилда ўтказилган маъмурий-худудий чегараланишдан кўзланган бош мақсад – ўзбек давлатчилигига болта уриш эди. Бу каби чегараланиш Москвадан туриб ҳал этилди ва маҳаллий ҳалқнинг истакларига мутлақо зид эди. “Амударё флотилиясини бошқариш тартиби хақида”ги шартноманинг имзоланиши, Ўрта Осиёдаги республикаларнинг советлар томонидан иқтисодий жиҳатдан бирлаштирилиши орқали Ўрта Осиё иқтисодий кенгашининг тузилиши, ёш республикалардаги пул муомаласига доир масалалар каби омилларнинг “сунъий” тарзда вужудга келтирилиши Ўрта Осиёдаги мавжуд республикаларнинг суверенитети ва иқтисодий мустақиллигини заифлаштириб, миллий давлат чегараланишини ўтказишга замин хозирланган деб баҳо бериш мумкин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Хайдаров М. Ўзбекистонда совет давлати бошқаруви тизими: шаклланиши, босқичлари ва моҳияти (1917-1941 йиллар). – Т.: Abu matbuot-konsalt, 2012. – Б. 110.
2. Ходоров И. Национальное размежевание Средней Азии. // Новый Восток. - 1925.
3. Соглашение между РСФСР, БНСР и ХНСР об Аму-дарыинской Флотилии //История Хорезмской Народной Советской Республики. Сборник документов. – Ташкент: Фан, 1976. – С. 77-79.
4. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида // Тузувчилар: М.Жураев, Р.Нуруллин, С. Камолов ва бошк.; Тахрир ҳайъати: А. Азизхўжаев (раис) ва бошк./. – Т.: «Шарқ», 2000. – Б. 282.
5. ЎзМА. 14-фонд, 1-рўйхат, 1229-йиғма жилд, 20-варақ.
6. Турсунов Х.Т. Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг барпо этилиши. – Тошкент: Ўзбекистон ССР Фанлар академияси нашриёти, 1958. – Б. 121–122.
7. Постановления II сессии Всероссийского Центрального Исполнительного Комитета XI созыва. — Москва: Издание ВЦИК, 1924. — С. 206.
8. Машарипов О., Абдуллаев У. Хоразмнома. Т.: Фан ва технологиялар нашриёт матбаа уйи, 2022. – Б. 607-608.
9. Хоразм тарихи.2-жилд. Масъул муҳаррир М.Матниёзов. – Урганч, 1997. –Б. 55.
10. Кўшжонов О., Полвонов Н. Хоразмдаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар ва ҳаракатлар. Тошкент, 2007. – Б. 339-340.
11. Норматов О.М. Ўрта Осиёда ўтказилган районлаштириш сиёсатининг ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ҳаётига таъсири. Т.: Tiron-iqbol, 2022. – Б. 35.
12. Собрание законов и распоряжений Рабоче-крестьянского правительства Союза Советских Социалистических Республик. Отд. 1. - Москва, 1924-1937. –С. 253-256.
13. Yusupov P.X. Yosh xivaliklar tarixi. – Urganch: «Хоразм», 1999. – В. 468